*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета
1918 йил 21 июндан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 125 (20. 093) • 1988 йил 31 май • сешанба • Баҳоси 3 тийин.

XIX БУТУНИТТИФОҚ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН

**Алоҳида китобча қилиб нашр этилди**

КПСС Марказий Комитетининг КПСС Марказий Комитети 1988 йил 23 май Пленуми маъқуллаган XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезислари алоҳида китобча қилиб нашр этилди.

Китобчани Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарган.

(ТАСС).

# РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН

Совет пойтахти Америка Қўшма Штатларининг президенти Рональд Рейганни Москвага хос анъанавий меҳмондўстлик билан кутиб олди. 29 май куни унинг Совет Иттифоқига расмий визити бошланди.

Соат 14.00. Внуково аэродромининг учиш майдонида фахрий қоровул жангчилари бир текис саф тортиб туришибди. Баланд флагштокларга АҚШнинг юлдузли-олачипор Давлат байроғи билан СССРнинг Қизил байроғи илинган.

Аэропорт биноси пештоқига рус ва инглиз тилларида ёзилган табрик транспарантлари қўйилган... Аэродромнинг беғубор осмонида АҚШ президенти тушган самолёт пайдо бўлади. Самолёт қўниб, Аэрофлот машинаси ҳамроҳлигида учиш-қўниш бетон йўлидан оҳиста юриб келади. Президент эмблемаси туширилган реактив «Боинг» самолёти тантанали кутиб олиш жойига келиб тўхтайди.

Пиллапоялар олиб бориладн. Самолётнинг катта эшиги очилади.

Аэропортга йиғилган кишилар АҚШ президентини самимий табриклаб кутиб оладилар.

Ҳаво кемасининг пиллапояси ёнида дастлабки қўл олишувлар, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг раиси А. А. Громико ва унинг рафиқаси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Ф. Добринин, бошқа расмий кишилар Р. Рейган ва унинг рафиқаси билан кўришадилар.

Учиш майдони узра АҚШ ва СССР давлат гимнларининг куйлари тантанали янграйди.

Аэропортда кутиб олиш маросими тугайди.

Бир неча дақиқадан сўнг мотоциклчиларнинг фахрий эскорти ҳамроҳлигидаги кортеж Киев тош йўлига чиқиб, шаҳарга йўл олади. Машиналар ўтиб борган кўча ва майдонларда АҚШ ва СССР давлат байроқлари ҳилпираб турибди.

* * *

АҚШ давлат секретари Ж. Шульц, америкалик бошқа расмий кишилар президент билан бирга Москвага келдилар.

Катта Кремль саройида Р. Рейганни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Маросим саройнинг асосий зали — Георгий залида ўтказилди.

* * *

М. С. Горбачев рафиқаси билан Р. Рейганни ва унинг рафиқасини зал ўртасида кутиб олди. Уларнинг қўл бериб кўришувини ўнлаб совет ва чет эл фотомухбирлари ҳамда кинооператорлари қайд этишди. Тарихий залда ўтказилган маросим телевидение орқали дунёнинг кўпгина мамлакатлари зангори экранларида кўрсатилди.

М. С. Горбачев билан Р. Рейган қисқача табрик нутқи сўзладилар.

Сўнгра М. С. Горбачев билан Р. Рейган Екатерина залига ўтишди, у ерда якка-якка суҳбат бўлди.

(ТАСС).



Суҳбат пайти.

(ТАСС—ЎзТАГ телефотоси).

# ХАЛҚ БИЛАН МАСЛАҲАТЛАШИБ

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ XIX БУТУНИТТИФОҚ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА ТЕЗИСЛАРИ — МУНОЗАРА УЧУН ПЛАТФОРМА

Ўтган куни КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезислари эълон қилинди. Партия конференцияси 28 июнда очилади. Жуда катта аҳамиятга эга бўлган бу ҳужжат партия ва мамлакат ҳаётида дарҳол марказий ўринни эгаллади.

КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми маъқуллаган Тезислар ҳаётий муҳим масалалар хусусидаги мунозара учун платформадир. Тезисларда унутилмас апрель Пленумидан кейин ўтган уч йил ичида бажарилган, бошланган ишлар ҳамда қайта қуриш йўлида турган тўсиқларни олиб ташлаш, революцион янгиланиш жараёнига янги, қудратли туртки бериш учун унинг ҳозирги босқичида нималар қилиш кераклиги узвий боғлиқ ҳолда баён этиб берилган.

КПСС Марказий Комитети Тезислари кенг муҳокамага қўйилди. Ҳар бир киши — коммунистлар ҳам, партиясизлар ҳам улар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришга ҳақлидирлар ва билдиришлари керак. Бошланғич ва цех партия ташкилотларида, партия группаларидаги коммунистларнинг очиқ йиғилишларида, меҳнат коллективларида, ҳарбий қисмлар ва қўшилмаларда, жамоат ташкилотларида, матбуотда, телевидение ва радиода ана шундай муҳокама ўтказилиши лозим. Олдинда катта, масъулиятли ишлар турибди, бунинг учун вақт унча кўп эмас, буни ҳам ҳисобга олиш лозим. КПСС Марказий Комитетининг ҳамда КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, бутун партия, идеология активларимиз, конференцияга сайланган делегатлар бу ишда фаол қатнашишлари керак.

Аввало нимага эътибор қиласан, киши! Биринчидан, Марказий Комитет Тезисларини муҳокама қилиш ҳар бир киши олдида ўзгартишларимизнинг социал моҳиятини чуқурроқ намоён этиш имконини беради. Иккинчидан, тезислар ижодий муҳокама—мунозаралар учун эълон қилинган. Демак, расмиятчиликдан, бир қолипдаги услублардан, тадбирбозликдан қатъиян воз кечиш, ҳар бир истовчи кишига ўз фикрини билдириш имконини бериш керак. «Умуман ва батамом» маъқуллаш эмас, балки қайта қуриш йилларида мамлакатда ва ҳар бир меҳнат коллективида қилинган ишларни ғоят жиддий, амалий тарзда идрок этиш, нуқтаи назарлар ва фикрларни танқидий анализ қилиш, қиёслаш талаб этилиши равшан. Қайта қуриш муқаррарлигининг ишончли гарантияларини яратишга қаратилган таклифлар алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Муҳокама қатнашчилари маҳаллий ва группавий манфаатлардан юқори туришлари, мамлакат манфаатларига амал қилишлари лозим.

КПСС Марказий Комитети Тезисларини муҳокама қилиш — конкрет тусда бўлиши керак. Маълумки, қайта қуриш иккинчи, анча мураккаб ва энг масъулиятли босқичга кирди, бунда унинг ғоялари кундалик практикага сингиб, бевосита ҳар бир кишига етиб борди. Қайта қуриш қаерда муваффақиятли равишда суръатга суръат қўшиб бораётганлигини, қаерда секин ҳаракат қилиб бораётганлигини ва ҳатто масала тортишувга айлантириб қўйилганлигини равшанроқ аниқлаш керак. Нима учун шундай бўлмоқда! Нима учун у ёки бу регионда, коллективда меҳнатни ташкил этишнинг илғор методлари ёмон жорий этилмоқда, ошкоралик ва демократизмни ривожлантириш кимнинг айби билан тўхтатиб қўйилмоқда, қаерда ва нима сабабларга кўра, тўсқинлик механизми ҳамон тазйиқ қилмоқда ва уни бартараф этиш учун конкрет равишда нима қилиш керак — муҳокама қатнашчилари мана шу ва бошқа саволларга жавоб қайтаришлари лозим бўлади, бу эса ақл-фаросатни ишлатишни, ўткир ва янгича назар ташлашни, принципиалликни тақозо этади. Четдан туриб эмас, балки манфаатдорлик, омилкорлик, граждайлик назарини ташлаш талаб қилинади.

Ҳозир биз турли бошқарув бўғинларида ин қуриб олган бюрократизмга, маҳкамачиликка қатъиян қарши курашмоқдамиз. Лекин шуни унутмаслик керакки, ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлиларнинг баъзи қатламларида ҳам янгиликдан чўчиш, сусткашлик, лоқайдлик ва консерватизм сезилиб турибди. Марказий Комитет Тезисларини муҳокама қилиш чоғида тартиб ва интизомни янада мустаҳкамлаш тўғрисида, бракчилар ва прогулчилар, дангасалар ва «ташмачилар» ҳақида, сўзи билан иши бир жойдан чиқмайдиган кимсалар тўғрисида дангал ва рўй-рост гапирамиз. Тайёрга айёрлик кайфиятларидан, ишлаб чиқаришга қараганда кўпроқ истеъмол қилишдан иборат турғунлик одатидан қатъий равишда воз кечамиз.

Шу билан бирга қайта қуриш пешқадамларини, унинг меҳнатчилари ва «прорабларини», ижара ва бригада пудратига дадил киришаётган кишиларни, меҳнатни ташкил этишнинг янги форма ва методлари тарғиботчиларини, фан-техника тараққиёти учун курашчиларни зўр ғайрат билан қўллаб-қувватлаш зарур.

Партия қайта қуришнинг муваффақият қозонишида инсонга, унинг маънавий, ижодий потенциалига, шахсий манфаатдорлигига, унинг социализм ишига содиқлигига, шахсий тажрибасига асосий умид боғламоқда. Мунозаралар ва қизғин баҳслар билан ўтган йиғилишдан кейин инсон ўзининг қайта қуришдаги роли аҳамиятини ақл-идроки ва қалби билан яна ҳам кўпроқ англаб олса, унингсиз иш битмаслигини ҳис этса, демак муҳокама беҳуда ўтмай, наф келтиради. Инсонга — ишчидан тортиб ҳар қандай даражадаги раҳбаргача унинг қанчалик баландпарвоз бўлмасин, сўзлари ва ваъдаларига қараб эмас, балки конкрет ишларига ва фақат ишларига қараб, қайта қуришни ривожлантириш, уни қўллаб-қувватлаш муддаосига қараб баҳо бериш керак.

Бу гап аввало коммунистларга таалуқли, албатта. Партия аъзоларининг чин фазилатлари — уларнинг ғоявий эътиқоди ва сиёсий етуклиги, ҳалоллиги ва партия ишига содиқлиги айни ҳозир чинакамига синалади. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар бир коммунист ва бошланғич ташкилот бутун ғоявий-сиёсий ишлар ва пропаганда ишини Марказий Комитет Тезислари руҳида, шу Тезислар асосида олиб боришлари керак.

Муҳокама — илтифотли фикрлашув эмас, йиғилиш бўлиб ўтди ва маъқуллади қабилидаги қўллаб-қувватлаш тўғрисида юқори ташкилотларни хабардор қилиш эмас, Тезисларни муҳокама қилиш — коллектив ижод ва изланиш, бундан буён қандай яшаш ва ишлаш кераклиги хусусида қарорлар қабул қилиш демакдир. Ҳеч шубҳа йўқки, КПСС Марказий Комитети Тезисларини муҳокама қилиш чоғида кўпгина конкрет ва қимматли таклифлар билдирилади. Мана шу таклифлар кўпинча бўлганидек, ном-нишонсиз йўқолиб кетмаслиги керак, уларни контрол остига олиш, дарҳол иш манфаатларини кўзлаб фойдаланиш, улар қандай рўёбга чиқарилаётгани ҳақида коллективни мунтазам хабардор қилиб туриш лозим.

Муҳокамада оммавий ахборот воситалари алоҳида роль ўйнайди. Мунозараларнинг боришини, хилма-хил фикр-мулоҳазаларни иложи борича тўлиқ кўрсатиш керак бўлади. Бунда уларни аввало одамлар орқали баён этиш, уларнинг фикри, позицияларини кўрсатиб бериш керак. Маҳаллий муаммоларни чуқур ва ҳар томонлама кўрсата туриб, диққат-эътиборни ана шу муаммоларни ҳал этиш йўлларига қаратиш, янги ғоялар ва ёндашувларга, салмоқли ижодий тафаккурга кенг имконият очиш, ёрқин публицистик суҳбат юритиш лозим. Шу билан бирга баъзида намоён бўлиб турган ортиқча шошма-шошарлик, ҳовлиқиш, иккинчи даражали муаммолар билан ёки ҳозирги вақтда мутлақо нореал бўлган муаммолар билан машғул бўлиш ишга наф келтирмайди.

Хўжалик раҳбарлари мунозараларда фаол иштирок этишлари керак. Афсуски, бевосита цехлар, бригадаларда, иш жойларида меҳнаткашлар билан ошкора суҳбатлардан бўйин товлаб, чўчиётган, кабинетда туриб муомала қилиш услубини афзал билаётган бундай ходимлар ҳали оз эмас. «Хуфёна» муҳокамалар ва қарорлар вақти ўтиб кетганлигини, у энди асло қайтиб келмаслигини қаттиқ эсда тутиш керак.

Партия ташкилотларида XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига делегатларни сайлаш асосан ниҳоясига етди. КПСС Марказий Комитети Тезисларини муҳокама қилишда аввало ана шу делегатлар иштирок этишлари, меҳнаткашлар ҳузурида, матбуот саҳифаларида ўз баҳолари ва фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашишлари, шахсий позицияларини ҳамда XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига қандай наказлар билан бораётганликларини сўзлаб беришлари керак.

Мамлакатда КПСС Марказий Комитети Тезислари асосида авж олиб бораётган умумхалқ мунозараси — аслини олганда, партиянинг халқ билан маслаҳатидир. Бу маслаҳат партия конференциясининг пухта ўйланган қарорлар қабул қилишига имкон беради, бу қарорлар эса революцион қайта қуришни муқаррар қилади.

(«ПРАВДА» ГАЗЕТАСИНИНГ 29 МАЙДАГИ БОШ МАҚОЛАСИ).

# РЕСПУБЛИКА ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

Совет жамияти турмушининг ҳамма соҳаларини қамраб олган қайта қуриш илмий тадқиқотларни ташкил этиш соҳасида ҳам туб ўзгаришларни тақозо этади. Ижтимоий турмушни ҳар томонлама демократиялаш ва туб иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш шароитида илм-фаннинг социал роли, мамлакатда авж олиб кетган янгиланиш жараёнининг муваффақияти учун олимларнинг масъулият даражаси ортиб бормоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг 30 майда Тошкентда бўлиб ўтган йиллик умумий йиғилишида шулар ҳақида гап борди.

Йиғилиш қатнашчилари республика Фанлар академиясининг 1987 йилги илмий тадқиқот фаолияти асосий якунларини ҳамда 1988 йилги вазифаларини кўриб чиқиб, илм-фан соҳасидаги қайта қуриш жараёни уни барча энг муҳим йўналишлар бўйича олий даражага чиқаришга, совет жамиятини жадал ривожлантириш вазифаларини ҳал этишга қўшадиган ҳиссасини кўпайтиришга қаратилмоғи лозим деб алоҳида таъкидладилар. Фанлар академиясининг асосий куч ва воситалари муҳим умумиттифоқ ва регионал муаммоларни ҳал этиш билан алоқадор катта-катта программаларга, фундаментал тадқиқотларга йўналтирилиши зарур. Академия институтлари, олий мактаб ва тармоқ тадқиқот муассасалари илмий коллективларнинг фаолиятини янада мустаҳкам бирлаштириши керак.

Мамлакатда илм-фанни ривожлантириш борасидаги умумлаштирилган прогнозларга мувофиқ устун йўналишлар ажратилган бўлиб, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ана шу йўналишлар бўйича етакчи позицияларни эгаллаши мумкин ва керак, деб таъкидланди йиғилишда. Активиацион анализ, иншоотлар пишиқлиги ва сейсмодинамика, пахта комплекси механизмлари ва машина системалари назарияси, пахта генетикаси ва селекцияси, янги юқори самарали дефолиант моддалар яратиш, суғориладиган ерлар унумдорлигини ошириш ва улардан фойдаланишни интенсивлаш, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон шароитида демографик жараёнлар ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ана шу йўналишлар орасида тилга олинди.

Ҳозир республика Фанлар академиясида янги вазифаларни назарда тутиб, институтлар, илмий кенгаш тармоқлари, кадрлар сиёсати, ишларни пул билан таъминлаш тартиби қайта қурилмоқда. Коллективларнинг куч-ғайрати энг муҳим муаммоларни ҳал этишга қаратилишини таъминлаш учун 2005 йилгача бўлган даврга мўлжалланган истиқбол планида илмий йўналишларни камайтириб бориш кўзда тутилган.

Аммо шу йил бошида ўтказилган таҳлил кутилганига зид равишда қайта қуриш куч ва маблағларни энг муҳим муаммоларга қарата олмаганлигини кўрсатди. Нутқларда илм-фаннинг куч ва воситаларини сочиб юбориш ҳатто кўпайганлиги уқтириб ўтилди. Академиянинг институтларида ишлаб чиқилаётган илмий йўналишлар , сони саксонтага қадар кўпайгани ҳолда уларнинг фақат ярмидан озроғи жаҳондаги даражага мувофиқ келади, кўпгина қисми эса унча юксак бўлмаган стандартларга ҳам мос келмайди. Бу гап Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фалсафа, иқтисод ва юридик фанлар бўлимлари ҳамда Қорақалпоғистон филиалининг муассасаларига, айниқса, тааллуқлидир.

Кўпгина ҳолларда устун соҳаларни белгилаш, прогнозлар тузиш, институтларнинг структурасини ўзгартириш реал мавжуд имкониятларни ҳисобга олмай юзаки ўтказилди. Кўпинча илмий тематика мавжуд коллективлар талабига мослаб бериладн — лабораторияларни номларигина ўзгартирилиб, аҳамияти оз битта тематика ўрнига механик тарзда иккинчиси олинади. Институтларни ихтисослаш ниҳоясига етказилмаганлиги сабабли илмий кучлар ҳамон кўпгина йўналишларга тарқаб кетмоқда.

Илмий муассасалар ва ташкилотларнинг тадқиқот натижаларидан амалда фойдаланиш борасидаги иши ҳамон қониқарсиз бўлиб қолмоқда. Мавжуд технологик жараёнларни такомиллаштиришни айрим ишлаб чиқаришларда техникани яхшилаш ва янгилашни кўзлайдиган кўпроқ майда . ишланмаларгина жорий этиш учун жалб қилинмоқда. Олинган иқтисодий самаранинг учдан икки қисмидан кўпи бундан аввалги йилларда жорий этилган ишланмаларга тўғри келади. Бешта янги ишдан биттасигина ихтиро авторлик гувоҳномасига даъвогар бўла олади.

Кўпгина институтларда илм-фаннинг самараси ниҳоятда паст бўлиб қолаётганлигидан ажабланмаса бўлади. Масалан, тупроқшунослик ва агрохимия институтида бултурги якунлари бўйича сарфланган ҳар бир сўм атиги 9 тийин самара берганлиги каби аҳвол билан муроса қилиб бўлмайди, дейилади йиғилишда. Ядро физикаси, химия институтлари, умуман механика ва бошқариш жараёнлари бўлими, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиали ҳам харажатларни қоплай олмади. Айни маҳалда ўсимликлар экспериментал биологияси институтида сарфланган ҳар бир сўм халқ хўжалигига ўн икки баравар кўпайиб қайтди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг умумий йиғилиши кўп тармоқли илмий техника комплекслари, марказлар ва лабораториялар, мувақкат илмий ҳамда илмий-ишлаб чиқариш коллективлари тузиш йўли билан тадқиқотларни ташкил этиш янги самарали шаклларини излаш ва улардан фойдаланиш муҳимлигини таъкидлади. Академия, олий мактаб ва тармоқ фанларини интеграциялашга принципиал янги техника, технология ва материалларни биргалашиб яратишга, кенг кўламли иқтисодий ва социал проблемаларни, маориф ва маданиятнинг туб масалаларини ишлаб чиқишга куч-ғайратлар сарф ланмоғи лозим.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов нутқ сўзлади.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Ҳабибуллаев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари И. Искандаров, В. В. Сударенков, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин қатнашдилар.

* * *

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти М. С. Салоҳиддинов бир группа олимларга Фан ва техника соҳасида 1987 йилги Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотларини топширди.

(ЎзТАГ).

# Хайр, фестиваль!

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ КИНОФЕСТИВАЛИ. Тошкент-88

**Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари Тошкент кинофестивали экрани уч қитъа халқларининг орзу-умидлари ва ташвишларини, уларнинг яхши келажакни кўзлаб олиб бораётган курашларини акс эттирди. 92 мамлакат вакиллари, Фаластин Озодлик ташкилотининг, Чили ватанпарвар кучларининг, Жанубий Африкадаги Африкаликлар миллий конгрессининг кинематографчилари, БМТ вакиллари қатнашган ўнинчи учрашув 30 май куни Ўзбекистон пойтахтида ниҳоясига етди.**

Тошкентга олиб келинган икки юздан кўпроқ фильм намойиши дунёни революцион тарзда янгилаш, ақл-идрокнинг калтабинлик ва зўравонликка қарши курашининг ҳаяжонли ҳикоясига айланди. Давримизнинг илғор ғояларини қарор топтириш, халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун кино кўп иш қила олишини фестиваль ишонарли тарзда тасдиқлади. Ижодий баҳсларни, ўтмиш мавзуидаги фильмлар кўригини, санъат усталари билан учрашувларни ўз ичига олган байрам муҳитининг ўзи ҳам бунга кўмаклашди. Конкурс анжуманга мусобақа тусини берди. Конкурсда қатнашиш учун Мексика, Аргентина, Япония, Бразилия, Туркия ва бошқа мамлакатларнинг кинематографчилари суратга олган 17 та фильм тақдим этилди.

Асосий соврин—афсонавий бахт қуши «Олтин семурғ» Ҳиндистон сари учади. Режиссёр Мигель Литтин (Чили ватанпарвар кучлари) бошчилигидаги ваколатли жюрининг бундай юксак баҳосига режиссёр Гоутам Гхошнинг «Ҳеч қаерга саёҳат» кинокартинаси сазовор бўлди.

Тошкент Санъат саройида кинокўрикнинг расмий ёпилиши маросимида бошқа лауреатлар ҳам эълон қилинди. Энг яхши дебют учун «Кичик Олтин семурғ» совринини Куба режиссёри Фернандо Переснинг «Яширин курашчилар» кинолентаси олишга сазовор бўлди.

«Ҳинди ва камелиянинг орзу-умидлари» фильмида аёллар ролини энг яхши ижро этганлик учун мисрлик актёр Нажла Фатхи «Олтин лола» совринини олди. Грузия киноактёри Леван Тедиашвилига «Хариба ва Гоги» картинасида эркак ролини энг яхши ижро этганлик учун «Олтин арча» соврини берилди. Режиссёр Георгий Шенгелаянинг мана шу фильмига жюрининг миллий характер ва анъаналарини ёрқин ифодалаганлик учун махсус мукофоти берилди.

Эшак миниб кетаётган Хўжа Насриддин тасвирланган соврин Хитойга олиб кетилади. Кино санъатида миллий анъаналарни сақлаб қолганлик ва ривожлантирганлик учун мукофотга режиссёр Ху Мининг «Урушдан олисда ўтган йиллар» фильми сазовор бўлди. Кинематография техник уюшмалари иттифоқи (УНИАТЕК) фильмларни тасвирий ифодалашда техникадан оригинал фойдаланганлик учун махсус соврин таъсис этган эди. Бу соврин режиссёр Ричард Аттенборонинг (Буюк Британия) «Озодлик даъвати» кинолентаси ижодкорларига берилди.

— Фестиваль программаси хилма-хил ва мазмунли бўлди, — деди Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, кинофестиваль ташкилот комитетининг раиси С. У. Султонова фестивални ёпиш чоғида. — Фестиваль уч қитъа кинематографчилари ҳамжиҳатлигини ривожлантиришга, дўстлик ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашга кўмаклашди. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва ҳукумати, барча меҳнаткашлари номидан фестиваль қатнашчиларини ва меҳмонларини Тошкент кинокўриги муваффақиятли якунланганлиги билан қизғин ва самимий табриклади.

Тошкент анжумани совриндорларига фестиваль байроғини тушириш фахрий ҳуқуқи берилади.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси ўнинчи халқаро кинофестивалини тантанали ёпиш маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов қатнашди.

Кечқурун фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари шарафига Ўзбекистон ССР ҳукумати номидан қабул маросими ўтказилди.

(ЎзТАГ).

## СССР ПАРЛАМЕНТ ГРУППАСИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

СССР парламент группасининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда парламент группасининг раиси тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Ф. Добрининнинг таклифига биноан йиғилиш Л. Н. Толкуновни саломатлиги ёмонлашганлиги сабабли пенсияга кетиши муносабати билан парламент группасининг раиси вазифасидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилди. СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси Ю. Н. Христораднов СССР Парламент группасининг раиси қилиб сайланди.

(ТАСС).

# ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Осиё ва Африка мамлакатлари халқлари билан бирдамлик Покистон ташкилотининг Президенти Мирож Холид бошчилигидаги делегация Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда. Делегация Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитетининг таклифига биноан мамлакатимизга келган.

30 май куни делегация аъзолари чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг активлари билан учрашдилар. Меҳмонлар шаҳар чеккасидаги Карл Маркс номли колхозга бордилар.

(ЎзТАГ).

## ГАЗЕТХОНЛАРНИНГ МУНОЗАРА МИНБАРИ

КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезисларини республикамиз меҳнаткашлари муҳокама қилмоқдалар. таклиф ва мулоҳазаларини ёзиб юбормоқдалар. Газетанинг учинчи бетида ана шу хатлардан айримлари билан танишасиз.

# ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИК БЎЛСИН ДЕБ

## СССР Олий Совети Президиуми ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасидаги Шартномани ратификация қилди

28 май куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг раиси **А. А. Громико** раислигида СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлиб ўтди.

Президиум ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасидаги Шартномани ратификация қилиш ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри **Э. А. Шеварднадзе** Шартномани ратификация қилишга тақдим этган СССР ҳукумати топшириғига биноан доклад қилди. Унинг докладида Шартноманинг тарихий, сиёсий аҳамияти кўрсатиб берилди, унинг асосий моддалари ҳар томонлама таҳлил этилди.

Совет Иттифоқи, деди у, Шартнома тузилганлигини рўёбга чиқарилаётган ташқи сиёсий концепциянинг асосли ва реалистик эканлигининг исботи деб, ядро қуролини шу асрнинг охиригача босқичма-босқич тугатиш тўғрисида М. С. Горбачевнинг 1986 йил 15 январдаги баёнотида олға сурилган программанинг амалга оширила бошланганлиги деб билади. Стокгольмдаги аҳдлашувлар, Афғонистонга доир Женева битимлари билан бир қаторда бу Шартнома амалдаги янгича сиёсий фикрлашни ўзида мужассамлаштиради. Шартнома ядросиз, зўравонликсиз, анча бехатар дунё сари ҳаракат қилиб бориш учун кенг имконият — бунинг устига жаҳон миқёсида кенг имконият очади.

Бу Шартнома ҳарбий харажатларни амалда қисқартиришни бошлаб бериши, даврнинг энг қатъий талабларидан бирига мос бўлиб тушиши унинг келажак учун яна бир жуда муҳим аҳамиятидир.

Докладчи Шартноманинг амалий самараси тўғрисида гапириб, тежалган ва халқ хўжалиги бюджетига ўтказиладиган маблағлар социал эҳтиёжларни қондиришга сарфланади, деб таъкидлади. Ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш саноатнинг мудофаа тармоқларида холи қилинадиган илмий-ишлаб чиқариш потенциалини совет кишилари энг зарур талаб-эҳтиёжларини қондириш манфаатларини кўзлаб, гражданларга аталган маҳсулотлар ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга йўналтириш имконини беради. Ракеталар ишлаб чиқариш билан банд бўлган саноат қувватларини ўзгартириб, қайта ташкил этиш йўли билангина, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 1988 йилдаёқ халқ хўжалиги учун ўн миллион сўмлаб реал қўшимча олиш мўлжалланмоқда.

Докладчи ўртача ва камроқ олислик ракеталарига доир Шартномани, реал қуролсизланиш соҳасидаги биринчи катта битимни бажаришга тайёргарлик тўғрисида ахборот бериб, бу янги билим ҳамда малакаларни талаб этувчи мураккаб ва қийин иш эканлигини таъкидлади. Мудофаа министрлиги, бошқа манфаатдор министрликлар ва идоралар СССР Ташқи ишлар министрлиги билан биргаликда ҳамжиҳатлик билан ишлаб, тарихий вазифанинг аҳамиятини чуқур англаб, ракеталарни тугатишга ҳозирладилар, АҚШнинг инспекция группаларини қабул қилиб олиб, жойлаштиришни таъминладилар.

Америка томони ҳам тегишли ишларни бажарди. Бизнинг экспертларимиз контрол объекти билан ўша жойнинг ўзида танишдилар. Совет инспекторлик корпуси тузилди ва тайёрланди. Инспекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш масалалари хусусида Америка мутахассислари билан бир қанча техникавий маслаҳатлашувлар даврасн бўлиб ўтди.

Шартномани муҳокама қилиш вақтида, деди сўнгра СССР ташқи ишлар министри, мамлакатда мана шу муҳим ҳужжатга берилган турлича баҳога дуч келинди. Баъзи жамоатчилик вакиллари: биз Ғарбга ён босмаяпмизми? Бирон-бир даражада мамлакатнинг мудофаа манфаатларига путур етказмаяпмизми? Шартномада бир томонлама қуролсизланиш элементлари мавжуд эмасми? — деган хавотирликни билдирдилар. Шартномани муҳокама қилиш чоғида жамоатчилик ана шу саволларга аниқ ва равшан жавоб олди, бу жавоблар унинг ташвиши ва шубҳа-гумонларини бартараф этди. Шунга қарамай, мен ҳукумат берган ваколатга мувофиқ қуйидагиларни айтишим керак:

Совет раҳбарияти мамлакатнинг хавфсизлигини мустаҳкамлайдиган шундай битимларгагина эришиш учун ҳаракат қилиб келди ва шундай ҳаракат қилаверади. Бу биз учун энг муҳим вазифа бўлиб, уни ҳал этишда мудофаа нуқтаи назаридан зиён етказадиган ёки стратегик барқарорликни путурдан кетказадиган вариантларнинг амалда иложи йўқ.

Мамлакат раҳбарияти барча омилларни — ҳарбий стратегик, сиёсий, илмий-техникавий, иқтисодий ва экологик омилларни пухта ўлчаб кўриб ва шу асосда ракета-ядро воситаларининг икки турини тугатиш мудофаамизни заифлаштириш бир ёқда турсин, балки аксинча, стратегик барқарорликни мустаҳкамлайди, деган хулосага келгандан кейингина шартномани тузишга рози бўлди.

Докладчи Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати номидан Олий Совет Президиумига ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги шартномани ратификация қилишни таклиф этди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари, Иттифоқ Совети ташқи ишлар комиссиясининг раиси **Е. К. Лигачев** СССР Олий Совети палаталари ташқи ишлар комиссиялари номидан сўзга чиқди. У Ташқи ишлар комиссиялари янги Шартномани идрок этиш ва анализ қилиш, уни халқ манфаатларига, СССРнинг ташқи сиёсий йўлига мувофиқ ҳолга келтириш борасида катта иш қилганликлари ҳақида сўзлаб берди.

Шартнома ҳар иккала палата комиссияларининг қўшма мажлисларида ва тайёргарлик комиссиясида мунозара муҳитида, ишчанлик билан, конкрет ва батафсил муҳокама қилинди, деб таъкидлади нотиқ. СССР манфаатдор министрликлари ва идораларининг, нуфузли экспертлар ва олимларнинг фикрлари тингланди. Мажлисларнинг бирида шартнома бевосита дахл қилувчи мамлакатлар сифатида ГДР ва ЧССР парламентларининг вакиллари иштирок этдилар. Совет ва чет эл жамоатчилиги турли доираларининг намояндалари ўз нуқтаи назарларини баён этдилар.

Комиссиялар шартномани пухта анализ қилганликлари ва у атрофлича муҳокама этилганлиги шундай хулосаларга келиш имконини бердики, уларни қисқа қилиб, қуйидагича якунлаш мумкин. Биринчиси — ўртача ва камроқ олислик ракеталарига доир шартноманинг СССР хавфсизлиги манфаатларига ва анча кенгроқ жиҳатдан олганда — бир томондан Совет Иттифоқи ҳамда Варшава Шартномасидаги мамлакатлар учун, иккинчи томондан эса АҚШ ва унинг иттифоқчилари учун баб-баравар, бир хил хавфсизлик талабларига мувофиқ эканлиги ҳақида.

Иккинчиси — ўртача ва камроқ олислик ракеталарига доир Шартнома қоидаларига риоя этилишини контрол қилиб туриш тўғрисида. Комиссиялар мазкур масалани ўрганиб чиқиб, Шартномада контрол системаси белгиланганлигини таъкидладилар, бу система жойларнинг ўзида текшириш ўтказишни ўз ичига оладики, бу нарса Шартнома қоидаларига қатъий риоя этилишига юксак даражадаги ишончни таъминлайди.

Учинчиси — ўртача ва камроқ олислик ракеталарига доир Шартноманинг социал-иқтисодий ва бошқа жиҳатлари ҳақида. Комиссиялар ўзларига тақдим этилган материалларга асосланиб, шунга ишонч ҳосил қилдиларки, мамлакат Шартнома амалга оширилиши натижасида холи қилинадиган меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларни тинчлик эҳтиёжларига йўналтиришдан наф кўради.

СССР Олий Совети палаталарининг Ташқи ишлар комиссиялари 23 май куни ўтказилган қўшма мажлисдаги ишларига якун ясаб, ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасидаги Шартнома маъқуллансин ҳамда уни ратификация қилиш СССР Олий Совети Президиумига тавсия этилсин, деган якдил хулосага келдилар.

Йиллар ўтади. Бошқа замонлар келади. Аммо миннатдор авлодлар бу ишни инсоният ядросиз, зўравонликсиз дунё йўлида олиб бораётган узоқ ва машаққатли курашдаги катта воқеалар қаторига қўшадилар, деди пировардида Иттифоқ Совети ташқи ишлар комиссиясининг раиси.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри **Д. Т. Язов**, СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари: КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **В. В. Шчербицкий**, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Л. Н. Зайков**, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Е. Е. Соколов**, ВЦСПС раиси **С. А. Шалаев**, Москва областидаги Подольск машинасозлик заводининг электр пайвандчиси **Н. Н. Рижова**, СССР Фанлар академияси П. Н. Лебедев номидаги Физика институтининг директори, Бутуниттифоқ «Билим» жамияти правлениесининг раиси академик **Н. Г. Басов**, Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар совет жамиятлари союзи президиумининг раиси **В. В. Терешкова** ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасидаги Шартномани якдиллик билан маъқуллаб, қўллаб-қувватладилар.

Нутқларда қайд этиб ўтилганидек, ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги Шартнома бундан буёнги халқаро тараққиёт, планетанинг сиёсий иқлимини соғломлаштириш, давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш учун, бутун дунё тақдири учун чинакам тарихий аҳамиятга эгадир. Ядросиз дунё сари, реал қуролсизланиш сари, мухолифликдан кескинликни юмшатиш сари, фаол тинч-тотув яшаш сари муҳим қадам қўйилди. Икки томонлама Совет — Америка муносабатларида, сиёсий мулоқотни чуқурлаштиришда янги муҳим босқич бошланди.

СССРнинг халқаро муносабатлар бутун жабҳаси бўйлаб зўр ғайрат билан сарфлаётган изчил куч-ғайратлари, партия ва давлатнинг ташқи сиёсий фаолиятида янгича сиёсий фикрлашнинг қарор топганлиги ядровий қуролсизланишдан иборат қийин жараёнда реал натижаларга, реализм ва ақл-идрок тантанасига олиб келди. Имзоланган Шартнома — ҳарбий-сиёсий ҳужжатгина бўлиб қолмай, шу билан бирга одамларнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушаётган ниҳоятда умуминсоний ҳужжат ҳамдир. У дунёда янгича сиёсий ва социал-психологик муҳитни вужудга келтирмоқда ва стратегик қуролларни ҳамда бошқа қурол турларини қисқартиришга доир бундан буёнги ишлар учун яхши намуна бўлиб қола олади.

Мажлисда шу нарса таъкидландики, Шартнома кучга киритилиши билан СССРнинг ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг хавфсизлигига зиён етказилмайдигина эмас, шу билан бирга жаҳонда уруш хавфи ва кескинликнинг умумий даражасини пасайтиришга ҳамда шу тариқа хавфсизлигимизни оширишга ҳам муваффақ бўлинади. СССРнинг мудофаа қобилияти бундан буён ҳам шундай даражада бўладики, у совет кишиларининг тинч меҳнатини ишончли тарзда ҳимоя қилиш имконини беради.

Мажлисда сўзга чиққан кишиларнинг ҳаммаси Шартнома ратификация қилинишини якдиллик билан ёқлаб, фикр билдирдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **А. А. Громико** бўлиб ўтган муҳокамага якун ясаб, қуйидагиларни айтди:

Бугунги нутқлар шуни кўрсатдики, мазкур масала ҳар иккала палата ташқи ишлар комиссияларида ҳам, дастлабки босқич—тайёргарлик комиссиясида ҳам муфассал ва ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган. Олий Совет депутатлари Шартномани КПСС ташқи сиёсатининг туб принципларига, Совет Иттифоқи ҳамда унинг иттифоқчилари мудофаа манфаатларига, ялпи тинчликни мустаҳкамлаш ишига мувофиқ келиши позицияларида туриб муҳокама қилдилар.

Ташқи ишлар комиссияларининг хулосасида бўлгани каби, бугун Шартномани ратификация қилиш, унинг кучга кириши ва иккала томон уни изчиллик билан бажариши шу мақсадларга тўла-тўкис мос келиши тўғрисидаги хулоса якдиллик билан билдирилди.

Бизнинг мажлисимиз АҚШ президентининг Москвага визити ва олий даражадаги музокаралар арафасида ўтмоқда. СССР Олий Совети Президиуми Шартномани ратификация қилиши қонун чиқарувчи орган бутун халқимиз номидан Америка Қўшма Штатлари билан муносабатларни амалий равишда ривожлантиришга қаратилган йўлни қўллаб-қувватлаётганлигини яққол намойиш этади. Биз етилган муаммоларни амалий тарзда муҳокама қилиш ва имкони бўлган ҳамма жойда уларни ҳал этиш тарафдоримиз. Совет — Америка муносабатларида айни шундай муҳитни мустаҳкамлаш халқаро ишлардаги бутун вазият учун қандай аҳамиятга эга эканлиги барчага равшан.

АҚШда ратификация жараёни кеча ниҳоясига етди. Биз Америка томонининг шу қарорини табриклаймиз.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасида 1987 йил 8 декабрь куни Вашингтонда имзоланган Шартномани ратификация қилиш ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватлади.

СССР Олий Совети Президиуми ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисида 1987 йил 8 декабрь куни Вашингтонда имзоланган СССР билан АҚШ ўртасидаги Шартномани бир овоздан ратификация қилди. А. А. Громико ратификация ёрлиғига имзо чекди.

(ТАСС).

### СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

#### ЎРТАЧА ОЛИСЛИК ВА КАМРОҚ ОЛИСЛИК РАКЕТАЛАРИНИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ БИЛАН АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ШАРТНОМАНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртача олислик ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида 1987 йил 8 декабрь куни Вашингтонда имзоланган, СССР Министрлар Совети томонидан ратификация қилиш учун тақдим этилган ва Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг ташқи ишлар комиссиялари томонидан маъқулланган Шартнома **ратификация қилинсин**.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**А. ГРОМИКО.**

**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль, 1988 йил 28 май.

# СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

Яқинда Вьетнам Социалистик Республикасининг ва Кампучия Халқ Республикасининг ҳукуматлари 1988 йилда Кампучиядан вьетнамлик 50 минг кўнгиллини, яъни бу мамлакатда турган ВСР ҳарбий қисмлари шахсий составининг ярмини олиб чиқиб кетишга қарор берганликларини эълон қилдилар. Кампучиядаги Вьетнам кўнгилли кучларининг қўмондонлиги ВСРга ўтказилади, қолган қисмига раҳбарлик қилиш КХР ихтиёрига топширилади. Кампучия — Таиланд чегараси бўйлаб тинчлик зонасини яратиш мақсадида Вьетнам бўлинмаларини чегарадан 30 километр нарига олиб кетишга ҳам қарор қилинди. Қўшинларнинг олиб чиқиб кетилишини кузатиб бориш учун ҳукуматлар, халқаро ташкилотларнинг, Кампучия муаммосига қизиқадиган барча ҳукуматлар ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари таклиф этилади.

Совет Иттифоқида ВСР ва КХР ҳукуматларининг қарорига Жануби-шарқий Осиёдаги маҳаллий можарони бартараф этишга, дунёнинг шу районидаги ҳарбий кескинликни тугатиш ва вазиятни нормаллаштириш жараёнига қўшилган катта амалий ҳисса, деб қаралмоқда. Бу ҳаракат бирон-бир шарт қўймай, амалга оширилмоқда. У Кампучия муаммосини тезроқ ҳал этишдан манфаатдор бўлган ҳамманинг куч-ғайратига тамомила мос келади. Кампучия халқининг ҳақиқий манфаатлари тўғрисидаги ғамхўрлик, региондаги барча давлатлар манфаатлари мувозанатини назарда тутиш қабул қилинган қарорга асос этиб олинганлиги мутлақо равшандир.

Вьетнам қисмлари шу қадар кўп қисқартирилиши Вьетнам ҳукуматининг сўзи билан иши бир эканлигини, у Кампучиядан Вьетнамнинг ҳамма қўшинларини 1990 йилгача олиб чиқиб кетиш тўғрисида аввалдан эълон қилган ниятини изчиллик билан амалга ошириб бораётганлигини тасдиқлайди.

Икки дўст мамлакат ҳукуматлари қўйган қадам Кампучияда ички сиёсий ва социал-иқтисодий вазият барқарорлашиб бораётганлигидан ҳам далолат беради, Вьетнам халқ Кампучиясининг суверенитети ва мустақиллигини ҳурмат қилаётганлигини кўрсатади.

Бу янги ташаббус, шубҳасиз КХР Министрлар Кенгашининг раиси Хун Сен билан шаҳзода Н. Сианук ўртасида мулоқотни янада ривожлантириш ҳамда Вьетнам билан Индонезия ўртасидаги маълум аҳдлашувни назарда тутган ҳолда, Кампучиядаги барча томонларнинг музокаралар ўтказиши учун қулай имкониятлар ҳам яратиб беради.

Совет Иттифоқи ВСР билан КХР ҳукуматларининг бу муҳим ҳаракатини маъқуллайди ва тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди, бу ҳаракат Кампучия теварагидаги вазиятни миллий яраш руҳида, мавжуд воқеликларни тан олиш асосида, можарога бирон-бир йўсинда жалб этилган ҳамма кучлар иштирокида сиёсий йўл билан бартараф этиш учун янги имкониятлар очиб беради. Вьетнам ва Кампучия иккинчи томонга жавобан катта қадам қўймоқдалар. Энди ўша томоннинг жавоб ҳаракатига кўп нарса боғлиқ бўлади.

Совет Иттифоқи барча манфаатдор давлатлар билан биргаликда Жанубий-шарқий Осиёдаги можароли вазиятни ижобий ҳал қилиш йўлини изланишга, Осиё — Тинч океани регионида тинчлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорликни қарор топтиришга фаол ёрдам беришга тайёрдир.

# СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

Афғонистон теварагидаги аҳволни сиёсий бартараф этишга эришишга оид аниқ-равшан ва мувозанатли мажбуриятлар мажмуасидан иборат бўлмиш Женева битимларининг имзоланиши жаҳон ҳамжамиятида кенг миқёсда ижобий назар билан кутиб олинди. Жаҳон ҳамжамияти Женевада эришилган аҳдлашувларни энг ўткир ва чўзилиб кетган маҳаллий можаролардан бирини бартараф этишда Афғонистон муаммосининг барча жиҳатларини тўла-тўкис ва узил-кесил ҳал этиш йўлини очадиган энг муҳим қадам, бурилиш нуқтаси, деб мутлақо асосли равишда таърифлади.

Бироқ, Женева битимлари кучга кирганидан буён орадан икки ҳафта ўтгач Женевадаги дипломатия жараёни тугаганлиги туфайли вужудга келган умидворлик ўрнига жафокаш Афғонистон диёрида қон тўкилишини тўхтатишга ва барқарорлик ўрнатишга астойдил интилувчи барча тинчликсевар кучлар таажжубланиб, тобора кўпроқ умидсизликка тушиб қолмоқдалар.

Бошқа ҳар қандай халқаро битимлар каби Женевада имзоланган ҳужжатлар ҳам уни унда қатнашувчи барча томонлар аниқ бажарган тақдирдагина амалий маънога ва аҳамиятга эга бўлади. Совет Иттифоқи билан Афғонистон Республикаси Женева битимларига айни мана шундай вазминлик ва масъулият билан ёндашмоқдалар. Битимлар кучга киргандан кейин дастлабки икки ҳафта мобайнида ўн минг кишилик ҳарбий қисмлар тегишли жанговар техника ва қурол-яроғ билан бирга Афғонистондан олиб чиқиб кетилганлиги бунинг далилидир. Совет қўшинларининг олиб чиқиб кетилишини шу қисмлардаги ўнлаб ажнабий мухбирлар кузатиб туришди. БМТнинг назорат механизми кузатувчиларига қўшинларни олиб чиқиб кетишни ва унинг параметрларини қайд этиш учун ҳамма зарур шарт-шароитлар ҳам яратиб берилди.

Женева битимларининг бошқа қатнашчилари ҳозирча бу битимларни амалга оширишни бир томоннинг иши, деб ҳисоблаб, амалда бутун ишни чекланган совет ҳарбий қисмларининг чиқиб кетиш муддатлари ва босқичларига риоя этишдангина иборат қилиб қўйишга уринмоқдалар, деган таассурот вужудга келмоқда. Женева аҳдлашувларига бундай ёндашувнинг ҳеч қандай юридик асослари йўқ, балки бу Женевада кўп машаққатлар билан эришилган натижага бевосита суиқасд, уни қўпоришга уринишдир.

Покистон территориясидан Афғонистоннинг ички ишларига аралашувни тўхтатиш тўғрисидаги қоида Женева битимларининг асоси, ўзаги эканини эслатиб ўтмоқ керак. Аралашмаслик тўғрисида Афғонистон—Покистон битими текстига киритилган мажбуриятлар асосидагина совет қўшинларини Афғонистондан олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги масалани ҳам келишиб олиш имконияти туғилди.

Бироқ Покистон Женевада имзоланган битимларни бажармаяпти. 15 майга келиб, Афғонистон ишларига четдан аралашув тўхтатилиши бир ёқда турсин, ҳатто бундай аралашув кучайтириб юборилди. Ўзаро муносабатлар принципи тўғрисидаги икки томонлама Афғонистон—Покистон битимининг иккинчи моддаси, жумладан аралашувни тўхтатишга оид аниқ-равшан тадбирлар рўйхатидан иборат бўлмиш аралашмаслик ва интервенциядан воз кечиш тўғрисидаги битим қўпол равишда бузилмоқда.

Буни исботламоқ учун аниқ-равшан фактларни келтириш мумкин. Масалан, Покистоннинг расмий ҳукумат ташкилотлари қуролланган афғон оппозициясининг отрядларини, шунингдек, қурол-яроғ ортилган карвонларни кўпдан-кўп тоғ довонлари, шу жумладан, Гакгай, Шингор, Лаванрўй, Аранда ва бошқа довонлардан ҳеч бир тўсиқсиз ўтказиб юборишни таъминлаб турибдилар. Ҳайбар, Куррам ва Болон тоғ йўллари каби карвон маршрутларидан ҳам шу мақсадда зўр бериб фойдаланилмоқда. Афғонистон оппозициясига мўлжалланган ҳарбий юклар, шу жумладан, реактив снарядлар, зенит ва танкурар қуроллар ортилган 100 тадан кўпроқ автомашина 16 май ва шундан кейинги кунларда Исломободдан чегарадаги Парачинор ва Ланд-Котал шаҳарлари атрофида жойлашган базаларга юборилди. Покистон армиясининг Хавелиан, Кохат, Новшардаги омборларида кеча-ю кундуз иш тўхтамай, улардан Покистоннинг ҳарбий транспортида чегара районларига Афғонистон ҳукуматига қарши кучларга аталган қурол-яроғ ва ўқ-дори элтиб берилмоқда.

Покистон территориясида Афғонистон территориясидаги жанговар ҳаракатларни уюштирувчи штаблар ва Афғонистон ҳукуматига қарши гуруҳларнинг Афғонистонга қарши қаратилган, бошдан-оёқ уйдирма-туҳматдан иборат бўлган ашаддий кампанияни бемалол давом эттираётган ахборот-ташвиқот марказлари ишлаб турибди.

Покистон территориясида жойлашган «Еттилар уюшмаси»га кирувчи қуролли оппозициянинг марказий қароргоҳи ўзининг оддий режимдаги ишини давом эттирмоқда.

Покистонда исёнчилар ва қўпорувчиларни тайёрлаш марказлари шу пайтгача ҳам тугатилгани йўқ ва ишлаб турибди. «Уюшма»нинг катта-катта тўдалари ҳам ўша ерда. 21 май куни Покистон маъмурлари «уюшма» раҳбариятига Афғонистон территориясига қурол-яроғ ва ўқ-дори юборишни кучайтиришни «тавсия» этдилар.

Женева битимлари очиқдан-очиқ бузилаётганини кўрсатувчи ҳатти-ҳаракатларнинг бу рўйхати шу билангина чекланмайди, унга бошқа фактик материалларни ҳам қўшиш мумкин.

Афғонистоннинг ички ишларига Покистоннинг аралашуви жуда ҳар хил турда ва усулда, шу жумладан Афғонистонга қарши қўпол чиқишлар расмий даражада ҳам амалга оширилмоқда. Афғонистон Республикасининг қонуний ҳукуматига ва президент Нажибуллога қарши ҳақоратомуз ҳуружлар қилинмоқда, қуролли оппозиция ҳақиқатда Қобулга қарши актив уруш ҳаракатларини давом эттиришга чақирмоқда. Женева битимларининг руҳи ва ҳарфига хилоф равишда Покистон томони, жумладан расмий даражада афғон оппозициясига қурол-яроғ етказиб бериш давом эттирилиши керак, деб даъво қилмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, Покистон раҳбариятининг урушқоқлик кайфияти Афғонистон ҳукуматига қарши кучларга махсус аталган Америка қуролини кўплаб етказиб бериш билан мустаҳкамланмоқда, бу ножўя иш афғонлар ўртасидаги биродаркушлик урушини тўхтатиш мақсадига хизмат қилмайди.

Баён этилган мана шу фактлар муносабати билан Совет Иттифоқи ва Афғонистон Республикаси Покистон томонидан Женева битимининг қоидалари мана шундай очиқдан-очиқ бузилаётган бир пайтда қўшинларни олиб чиқиб кетиш графиги хусусида тегишли хулосалар чиқариб олишлари, Исломободнинг ғайриқонуний ҳаракатларига жавобан конкрет тадбирлар кўришлари мутлақо табиий бўлур эди. Ҳар ҳолда, башарти Покистон томони ўз территориясидан Афғонистоннинг ички ишларига аралашув тўхтатилиши учун зарур чора-тадбирларни кўрмаса, Совет Иттифоқи бунга жавобан вазият талаб қиладиган чорани кўриш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Покистон раҳбарияти соғлом ақл-идрок ва реализм кўрсатиб, Женева битимлари бекаму кўст амалга оширилиши учун ҳамма ишни қилади, деб умид билдиришни истардик.

# СЕНАТ ЎРТАЧА ВА КАМРОҚ ОЛИСЛИК РАКЕТАЛАРИГА ОИД ШАРТНОМАНИ МАЪҚУЛЛАДИ

ВАШИНГТОН, 28 май. (ТАСС). АҚШ Конгресси ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги Совет — Америка Шартномасини ратификация қилиш ҳақидаги резолюцияни жума куни кечқурун кўпчилик овоз билан маъқуллади. Уни 93 сенатор ёқлаб овоз берди, 5 сенатор қарши чиқди.

Бу хабар залда гулдурос ва давомли қарсаклар билан кутиб олинди. Қуролсизланиш йўлидаги биринчи муҳим қадам бўлиб қолиши мумкин бўлган Шартномага мувофиқ, АҚШ билан СССР ядро қуролининг бутун бир туркумини йўқ қилиб ташлаши лозим.

Оқ уй президент Рейганнинг Баёнотини тарқатди. Баёнотда, жумладан, бундай дейилади: «Мен оралиқ олислик ракеталарига оид шартномани Ратификация қилишга розилик берган АҚШ сенатининг ишидан ғоят мамнунман. Яна икки кундан кейин мен Бош секретарь Горбачев билан учрашиш учун Совет Иттифоқига етиб бораман... Сенатнинг қарори бизнинг қурол-яроғларни қисқартириш соҳасидаги мақсадларимиз қўллаб-қувватланганидан яққол далолат беради». Сенат томонидан маъқулланган ҳужжат Оқ уй ходимлари аппаратининг раҳбари Говард Бейкерга топширилди, у мазкур ҳужжатни президент Рейганга етказади.

• *Тошкент кинофестивали:*

# ИЖОДИЙ ҲИСОБОТЛАР

26 яшар кубалик Луис Альберто Гарсиа қурол олиб, ўз халқи учун озодликни қўлга киритган ота тақдирини экранда кўрсатди. У «Яширин иш кўрувчилар» фильмида батиста диктатурасига қарши актив курашган революциянинг ёш жангчиси ролини ўйнади.

— Мен биринчи марта ижро этаётган шу ролни ўйнаш менга ишониб топширилганидан бахтиёрман, деди ёш актёр. — Биз ўз адолатли ишларини давом эттиришни бизга васият қилган қаҳрамонлар хотирасини авлодимиз номидан ҳурмат билан эслашни хоҳлаймиз.

Экран санъаткорлари бугунги кун зиддиятларининг манбаларини ўтмишдан қидириб, замонларнинг чамбарчас алоқасини таъкидламоқдалар. «Ҳаёт мамот кураши» — Мексика фильмининг воқеалари томошабинларни қадим замонларга, инсониятнинг болалигига қайтарса-да, унда ҳозирги замоннинг овози баралла эшитилиб туради. Чунки фильм замиридаги инсонпарварлик, эзгулик, адолат ғоялари биз, XX асрнинг охирида яшовчиларга қаратилгандир.

Ҳамма замонларда одамлар ҳамжиҳатликка интилишган, авлодларга яхшилик ва фаровонлик тилаганлар, дейди картинанинг 32 яшар режиссёри Роберто Рочин.— Мўрт планетамиз бетинч бўлиб турган ҳозирги пайтда бу мавзу муҳимлигича қолмоқда. Шунинг учун ҳам миллион-миллион кишилар ўз орзу-умидларини Совет Иттифоқи изчил ўтказиб келаётган тинчлик сиёсати билан ҳақли равишда боғламоқдалар. Мана ҳозир ҳам бутун дунё нигоҳи икки буюк давлат бошлиқларининг учрашуви ўтадиган Москвага қаратилган. Ижобий якун халқаро вазиятнинг юмшашига кўмак беради.

Американлик продюссер Лэрри Кларк ҳам шу фикрдадир.

У фестиваль доирасида Анжела Дэвис билан бирга Совет-Америка «Секин сузувчи қайиқ» фильмини яратиш тўғрисида музокаралар олиб бормоқда. Бу фильм йигирманчи йилларда АҚШдан Совет Иттифоқига келиб қолган муҳожирларнинг тақдирига бағишланган. Улар орасида Америка негрларининг ҳуқуқлари учун курашган ва кўп йиллар Ўзбекистонда яшаган Оливер Голден ҳам бор.

Анжуман янги-янги номлар ва янги- янги тақдирлар очиб давом этди. Бош экранда Филлиппин, Ироқ, ХХР санъат арбоблари ижодий ҳисоб бердилар. Ахборот кўригида Австралия, Канада, Колумбия, Танзания ва Мексика картиналари намойиш этилди. «Кино ва миллий маданият анъаналари» симпозиуми ишлади.

**О. КОСТРОМИНА,**
**Э. ТУХВАТУЛЛИНА,**
**ЎзТАГ мухбирлари.**

# БУНИНГ КИМГА НАФИ БОР?

**«МОСКОВСКИЕ НОВОСТИ» ГАЗЕТАСИДАГИ МАҚОЛА ХУСУСИДА**

БАКУ. 28 май. (ТАСС). Азоринформ агентлиги хабар қилади: Тоғли Қорабоғдаги ва унинг теварагидаги воқеалар Озарбайжон ва Арманистон, бутун мамлакат жамоатчилигини ҳамон тўлқинлантирмоқда. Марказий матбуот, республика оммавий ахборот воситалари шу мавзуга муттасил қайтмоқда. Бу тушунарли албатта — кишилар содир бўлган воқеа тўғрисидаги ишонарли, объектив ахборотни, унинг сабабларини жиддий, муфассал таҳлил этилишини кутмоқдалар. Шундай мураккаб шароитда вазминлик, холислик ва объективлик талаб этилади. Чунки миллий муносабатлар нозик соҳа бўлиб, эҳтиётсизлик билан айтилган ҳар бир сўз, ноҳақ гап алангани ловуллатиши, миллатлараро вазиятни кескинлаштириб юбориши мумкин. Матбуотимиз ҳамиша амал қилиши лозим бўлган принцип — ҳақиқат ва фақат ҳақиқат принципи ҳозирги пайтда айниқса муҳим бўлиб қолмоқда.

Афсуски, баъзан буни унутиб қўйишади. Ана шунда воқелик бузиб кўрсатилган, фактларга ўзбошимчалик билан мурожаат этилишига йўл қўйилган мақолалар пайдо бўлиб қолади.

Масалан, «Московские новости» газетасининг 22 май сонида газета махсус мухбири В. Лошакнинг «Сумгаит. Фожиа хотимаси» репортажи босилган. Унда жумладан шундай сўзлар бор: «содир бўлган воқеадан кейин (Сумгаитдаги воқеалар назарда тутилмоқда. — Редакция изоҳи) қўрқув ва саросималик черковга ҳам таъсир қилди.

— ...Черковимизга ўт қўйишга уринишганлигини билиб кўпчилик ранжиди, — дейди арманларнинг Бокудаги маърифатпарвар авлиё Григорий черковининг бошлиғи Давид Диланян .

Шу муносабат билан Д. Диланян бизга мактуб билан мурожаат қилди. У черковга ўт қўйишга уринилганлиги фактини қатъиян рад этди. «Тахминан 15 майда, деб ёзади у, арманлар черковига бир киши келиб, ўзини «Московские новости» газетасининг мухбири деб таништирди. У черковга қатновчилар сони, уларнинг кайфиятлари билан қизиқди, черковга Сумгаитдан қочоқлар келишдими, деб сўради... гўё черковга ўт қўйишга уриниб кўрилди, деган гапни айтганим йўқ. «Московские новости» газетаси мухбирининг хатти-ҳаракатлари мени ғазаблантирди. Мен мақолада келтирилган фактлар расмий равишда рад этилишини талаб қиламан».

Ёлғон гапнинг кимга кераги бор, деган савол туғилади. Ҳар хил бўҳтонлар ва миш-мишларга қатъий зарба берилаётган бир пайтда «Московские новости» газетасида мақола янги уйдирма ва миш-мишлар пайдо бўлишига кўмаклашади. Яна бир нарсани айтайлик: бундай (хатомикан?) Озарбайжон ва арман халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга асло хизмат қилмайди.

